



# MILLIY TIKLANISH

44 (313) ● 2014 йил 12 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноят-судлов ишларини юретишда миллий-маънавий кадриятларга мос келадиган жиҳатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади



Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят Ахборот-кутубхона марказига ҳавас қилса арзийди. Бу ерда яратилган қулай шарт-шароит туфайли китобхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда



Аждодларимиз томонидан асл кадриятларимизга бўлган эътибор туфайли сўзанаичлик авлоддан-авлодга ўтиб, халқ санъати даражасига кўтарилган. Ушбу санъат тури истиқлол туфайли юксак эътибор ва эъзоз топмоқда



## 4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

## 6 ЖАРАЁН

## 8 КЎЗГУ

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудидида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади. Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин.  
 ... Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

### ● Партия дастури — амалда



## Миллий иқтисодиёт

ривожда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ўрни бор

Қиш яқинлашган сайин кийим-кечак бозори гавжум бўла бошлайди. Кимгадир иссиқ оёқ-кийим, кимгадир уст-бош керак. Сотувчилар зўр бериб ўз маҳсулотларини мақтайди. "Фалон жойда ишлаб чиқарилган пальтолар", "Сифатли иссиқ кийимлар бор", "Қишки оёқ кийимларнинг зўри бизда"... Бозорларимиздаги тўқин-сочинликни кўриб ҳавасингиз келади. Ана шундай гавжумлик орасидан қишки кийимларни мақтаб сотаётган аёлнинг овози эътиборини тортди.

— Келинг, болам - деди сотувчи аёл андижонликларга хос шевада. — Марҳамат, кўринг. Сифатига гап йўқ. Яқин-яқингача бундай кийимларни хоридан олиб келар эдик. Энди ўзимизда ишлаб чиқарилапти. Масалан, мана шу қишки либос қўшни қишлоқдаги кичик корхонада тайёрланган. Корхона ўтган йил чет элдан кузги-қишки мавсумга

мўлжалланган кийим тўқиш дастохини олган эди. Мана орадан кўп ўтмай "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлик билан маҳсулот чиқараёпти. Нархи ҳам ҳамёнбоп.

Бу — бугунги бозорларимиздаги бир манзара.

Гувоҳи бўлганимиздек, юртимизнинг чекка қишлоқларида ишлаб чиқарилаёт-

ган маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати ва бежиримлиги билан қисқа муддатда бозорда ўз харидорини топиб улгурди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати хорижикидан ҳеч ҳам қолишмайди. Қолаверса, нархи ҳам арзон. Буюртимизда кичик корхона ва оилавий тадбиркорларга берилаётган юксак эътибор, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган миллий иқтисодиёт соҳасидаги сиёсатимизнинг самарасидир.

3-бет

### ● Муносабат

## Ўзаро ҳамкорлик

юрт тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади

Мамлакат транспорт тизимининг ривожланганлиги юрт тараққиёти, иқтисодий барқарорлик ҳамда аҳоли фаровонлигининг муҳим омил сифатида намоён бўлади. Айниқса, темир йўл қон томирлари каби мамлакатнинг барча ҳудудларини ўзаро боғлаб, аҳолига қулайлик туғдириши билан бирга иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, истиқлол йилларида темир йўл тизимига алоҳида эътибор қаратилиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ушбу соҳани янада ривожлантириш ва имкониятларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси ташкил этилгани мазкур тизим фаолиятини янги босқичга кўтарди. Компания ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбарининг соҳа вакилларига йўлаган табригида ҳам бу борадаги эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган улкан ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Президентимиз табриги нафақат соҳа вакиллари, балки бутун халқимиз қалб-қўрида кўтаринкилик, фахр, ифтихор туйғуларини уйғотди. Чунки табрикда тилга олинган факт ва рақамлар, далиллар ҳамда амаллий ишлар сарҳисоби мамлакатимиз темир йўл транспорт хизмати куч-қудрати, салоҳияти ва имкониятлари юксаклигидан дарак беради. Жумладан, ўтган давр мобайнида 1,1 миң километр янги темир йўл қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3,8 миң километр узунликдаги темир йўл қайта тиклангани, миң километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилгани, 11 та янги вокзал қурилиб, 7 таси қайта таъмирлангани юртимизда за-

монавий транспорт-коммуникация тизими пешқадамлик билан ривожланиб бораётганини яққол намоён этади. Шу ўринда Президентимизнинг қўйидаги тилга олинган факт ва рақамлар, далиллар ҳамда амаллий ишлар сарҳисоби мамлакатимиз темир йўл транспорт хизмати куч-қудрати, салоҳияти ва имкониятлари юксаклигидан дарак беради. Жумладан, ўтган давр мобайнида 1,1 миң километр янги темир йўл қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3,8 миң километр узунликдаги темир йўл қайта тиклангани, миң километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилгани, 11 та янги вокзал қурилиб, 7 таси қайта таъмирлангани юртимизда за-

2-бет



Қахрамон ҒУЛОМЖОНОВ, "Нихол" мукофоти совриндори, Францияда ўтказилган халқаро танлов ғолиби, "Navas" гуруҳи хонандаси:

— Юртимизда навқирон авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида яратилган кенг имкониятлар тарғиботида матбуотнинг ўрни муҳим. Биз "Milliy tiklanish"ни танладик. Сиз-чи?

### ● Электорат минбари

## Янги сайловолди Платформаси

миллий манфаат ва кадриятларимиз ҳимоясига қаратилмоқда

ЎзМТДПнинг яқинда бўлиб ўтган III съездида иштирок этиб, ушбу партияни бежиз танламаганимга яна бир қарра амин бўлдим. Мамлакатимиз миллий манфаатлари ва кадриятларимизни ҳимоя қилишни ўз вазифаси деб билган партия юртайётган сиёсат бугунги глобаллашув даврида нечоғлик муҳим эканлиги барчамизга аён.

Съезд ишида партиянинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, эришилган натижалар ва йўл қўйилган камчиликлар таъкидлаб ўтилди. Фаолиятга танқидий назар партиянинг келгуси фаолияти сарадорлигини белгиловчи омил экани эътироф этилди.

Съездда ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформаси ҳам тасдиқланди. Аввало, мазкур ҳужжатнинг тайёрланиш жараёнида бугунги сайловолдининг кечагидан тубдан фарқ қилиши, унинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, фаоллиги, дунёқара-

ши ва сиёсий жараёнларга дахлдорлик туйғуси юксаклиги инobat-га олингани таъкидланди. Боиси, сайлов жараёнида жамоатчилик фикри муҳим ўрин тутди. Сайловчилар эътиборини тортадиган энг муҳим жиҳат — партия янги сайловолди Платформасининг жозибадорлиги, халқчиллиги ва аҳоли кўнглига яқинлигидир. Сайловчи сайловда иштирок этар экан, ҳар бир сиёсий партиянинг ушбу ҳужжати билан яқиндан танишиб, сўнг қарор қабул қилади. Қолаверса, сайловолди Платформа депутатликка номзодлар учун ҳам сайлов-

чилар билан учрашувлардаги дастуриламалдир. Бир сўз билан айтганда, сайловдаги муваффақият партия дастурий ҳужжатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Янги сайловолди Платформада моддий ва номоддий маданий меросни асраш, миллий кадриятлар бардавомлигини таъминлаш, навқирон авлодни халқимизнинг асрий анъаналари ва умуминсоний кадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу эса ёш авлодни миллий анъаналар, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Нилуфар ЭРҒАШЕВА, съезд делегати, Сирдарё вилояти

### Фракция ҳаёти

## Долзарб қонун лойиҳалари

депутатлар томонидан муҳокама этилди

4-бет

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

Муносабат



## Ўзаро ҳамкорлик юрт тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланғич 1-бета)**

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз транспорт-коммуникация соҳасида улкан ютуқларга эришиб, кенг имкониятларга эга бўлиб бормоқда. Дунёнинг бор-йўғи 8 та мамлакатда мавжуд бўлган юқори тезликда ҳаракатланадиган, замонавий электропоезд бугун бизнинг юртимизда ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатаётгани қувонарлиқдир. "Афросиёб" электропоезди давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, чин маънода Ўзбекистоннинг гурури, ифтихори ҳисобланади. Бундан ташқари улкан тоғлар бағрини ёриб, "Ангрен-Пон" йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг барпо этилаётганлиги кўпчилиكنинг хайрату хавасига сабаб бўлаётир.

Мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган бу каби йирик лойиҳалар, амалий сай-ҳаракатларда компаниянинг аҳил меҳнат жамоаси хизмати, юсак салоҳиятли кадрларнинг ҳиссаси беқиёс. Президентимиз фармони билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ вакиллари фахрий ўнвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган уларни янада тўлкинантириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгани шубҳасиз. Темир йўл тизими ва соҳа вакиллари қаратилаётган бундай эътибор ва эҳтиром ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшлар қалбида ҳам мазкур соҳага бўлган қизиқиш ва интилиши янада рағбатлантиради. Бу эса, ўз навбатида, компаниянинг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мавриди келганда таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган III съездида партиясининг янги таърифида сайловолди Платформаси тасдиқланиб, бир қатор устувор вазибалар белгилаб олинди. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси мавқеини мустаҳкамлаш кўмаклашиши партиясининг иқтисодий йўналишидаги мақсад-вазифаларидан бири сифатида белгиланиб, компания билан ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамлаш масаласи таъкидланди. Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига кўмаклашиши мақсад қилган партия билан давлат иқтисодий тараққиётнинг муҳим тармоғи бўлган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг яқин ҳамкорлиги муштарак мақсадлар сари биргаликда ҳаракат қилиш имкониятларини янада кенгайтириши шубҳасиз.

**Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**

### Хуқуқ ва бурч

Маълумки, жойларда маҳаллий Кенгашларнинг роли тибора охиб бормоқда. Шу боис, яқинда бўлиб ўтадиган сайловда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига кўрсатиладиган номзодларнинг профессионал ва маънавий қиёфасига хос умумий хусусиятлар, қонунда номзодларга қўйилган талаблар, депутатликка номзоднинг масъулияти, унинг хуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумот берсангиз...

**Музаффар Норматов, Фаргона вилояти Бувайда тумани**

— Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётдаги муҳим сиёсий воқеа — сайлов арафасида барчамизни, авваламбор, депутат аслида қандай киши бўлиши керак, унинг жамиятдаги ўрни қандай, деган саволлар қизиқтириши табиий. Зеро, демократик жамиятда депутатнинг ўрни бениҳоя муҳим. Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган инсон ҳамisha одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Одамларни бир-бирларига суянми, таяниб, муаммоларни биргаликда бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий депутатнинг ноёб фазилатидир. Шу боис, депутат эътиборсизлик, лоқайдлик, воқеликдан ўз вақтида огоҳ бўлмаклик каби салбий хислатлардан йироқ бўлиши лозим.

Бу борада энг асосий мезон халқ билан бирга бамаслаҳат иш қўриш, огоҳлик ва адолат мезонларига риоя қилишдир. Бу сўзларнинг замирида бутун халқ тақдирини, жамият истиқболни, мамлакатимиз келажига муҳимлик бўлади. Бундан ташқари депутатликка номзод ва ҳар бир депутат чуқурроқ аниқлаш лозим. Ҳақиқий депутат ўз маънавиятининг ниҳоятда поклиги, дунёқараши олижаноб таомилларга мойиллиги, юсак ва ўтқир ижтимоий мавқеда, позицияда туриб, чуқур ва тегиз фикрлай олиш истеъдоди билан бошқалардан ажралаиб туради.

Глобаллашув шароитида депутат зиммасидаги вазибалар орасида энг муҳим бир йўналиш бор. Бу — халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат. Сอดда қилиб айтганда, олис қишлоқ ёки туманда, шаҳар ёки вилоятда бўладими, бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлатимиз, жамиятимиз юқини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш депутатнинг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчи ҳамдир.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, сайлов куни йигирма бир ёшга тулган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудда муҳим яшаётган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш хуқуқига эгадирлар. Шунингдек, қонунинг депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар деб номланган 23-моддасида содир этган огир ёки ўта огир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда муҳим яшамаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа ҳарбийлаштирилган бўлимадорнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмаслиги белгиланган.

Агар судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлса, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берган тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

**Саволга ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.**

Давра суҳбати

## ЎЗМТДП съезди ҳулосалари

янги сайловолди Платформасининг рўйида фаоллик кўрсатишга ундайди

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамлигида демократик хуқуқий давлат асослари тобора мустаҳкамланаётгани фуқароларнинг хуқуқлари кафолати кучайиши ва амалда таъминланишига пухта замин яратилмоқда. Хусусан, энг юқори демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими барпо этилгани туфайли фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқи тўла амалга оширилаётир.**

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг съездида таъкидланганидек, мамлакатимизда сиёсий соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар сиёсий партиялар мавқеини мустаҳкамламоқда, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширмоқда. Депутатлик сўровлари,

**Дилноза ҲАЙИТОВА, ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши матбуот котиби:**



— Сайлов сиёсий партия учун чинакам сино майдони. Ундан қандай ўтиш, биринчи навбатда, ўтган сайловда партиясининг сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада ундади олганига боғлиқ. Сайловдан кейин оқибатда бўлган давр мобайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Биргина

Ҳиззах вилоят Кенгаши маслиҳати олдидан бўлса, шу вақт орғалида партия аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари сонини ошди. Йирик лойиҳа ва кенг қамровли тадбирлар орқали минглаб юрдошларимиз партия оғалини қўллаш билан яқиндан танишиди, электроратни ўйлангиларга кўплаб масалалар юзасидан маҳаллий Кенгашлар сессияларининг қарорлари қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қатори ЎЗМТДП сайловга муносиб иштирок этиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Боиси сайлов кампанияси давомида партиялар ўртасида сайловчилар овози учун гоё ва мақсадлар, дастурлар қуралиш ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Биргина

тимининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий-ижтимоий шароити, аҳолининг ижтимоий қайфияти ўрганиб борилапти. Партияимиз кадрлари салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий-хуқуқий билимларини юксалтириш мақсадида соҳанинг фаол, етук мутахассислари жалб қилиниб, турли ўқув-семинарлар ташкил қилинмоқда. Бу галги сайловда депутатликка номзодларга жиддий эътибор қаратилди. Номзодликка партия дастурий мақсад ва вазибаларини чуқур тушуниш, ҳудудлар ижтимоий, иқтисодий ҳолатини яқин билгиларини ва уларнинг равангага хизмат қила оладиган, жамиятнинг турли жаҳасида фаол, ташаббускор бўлган кишилар танланди.

Дастури, мақсад ва вазибалари кенг тушунирилмоқда.

Жорий йил 21 декабрь куни парламент Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловда муваффақиятли иштирок этишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Таъриботнинг бу усули, айниқса, ҳудудий Кенгашларда фаолият кўрсатаётган матбуот котиблари зиммасига катта масъулият юклайди. Матбуот котиблари маҳаллий оммавий ахборот воситаларига ахборот тарқатиш ва партияимизнинг кенг тарғиб қилиш имконига эга. Сайловчилар ишончини қозониш кўп жиҳатдан уларнинг меҳнати ва таърибасига ҳам боғлиқ. Партия худудий ташкилотлари ахборот хизмати ходимларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

**Азамат ҚОСИМОВ, ЎЗМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби:**

— Сайлов сиёсий партия учун чинакам сино майдони. Ундан қандай ўтиш, биринчи навбатда, ўтган сайловда партиясининг сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада ундади олганига боғлиқ. Сайловдан кейин оқибатда бўлган давр мобайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Биргина

партия ташвиқот-тарғибот гуруҳининг ўрни беқиёс. Шу боис партия вилоят Кенгаши қошида ЎЗМТДПнинг янги сайловолди Платформасини тарғиб-ташвиқ қилиш гуруҳи шакллантирилиб, унинг сафидан фаол, ташаббускор, фидойи, таъриба ва салоҳиятга эга инсонлар ўрин олди.

Бугунги кунда бутун дунё ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини бошдан кечираётган, молиявий-иқтисодий инқироз хали-ҳамон давом этаётган, глобаллашув жараёни авж олиб, ахборот ҳужури таъсирида халқларнинг ўзига хослиги, ёшларнинг маънавиятига нисбатан таҳдидлар қучайган бир пайтда, миллий бирлик, бирдамлик, ватанпарварлик, халқимизнинг куч ва салоҳиятини мамлакат барқарорлиги ва тараққиёти йўлида сафарбар этиш, халқимизнинг миллий ўзига хослигини сақлаш, келажимиз эгаларини шонли тарихимиз, миллий қадрият, аёнана ва урф-одатларимизга нисбатан чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш тора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз номига муносиб равишда миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу гоё асосида халқни Ватан тараққиёти, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ихтидорлик фаолиятига сафарбар этишга интилаётган сиёсий куч — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз олдига қўйган янги дастурий мақсад-вазибалар орқали бу борадаги ишларни юқори поғонага кўтаришга хисса қўлиши шубҳасиз.

ришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, унинг имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Электрорат билан ишладиган партия ташкилотимиз, аввало, ЎЗМТДП гоёсини чуқур етказа олиши лозим. Шундангина ҳар бир фуқаро партиясиз гоёси ва ўз қарашларидagi йўналишни тўлиқ идрок этади. Бунинг учун вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида қабул қилинган сайловолди иш режаси асосида турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпти. Бундай тарғибот тадбирлари орқали одамлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, партия гоёси ва мақсадларини кенгроқ таниши-

**Муслима РЎЗИЕВА, ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши матбуот котиби:**

— Сайлов сиёсий партия учун чинакам сино майдони. Ундан қандай ўтиш, биринчи навбатда, ўтган сайловда партиясининг сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада ундади олганига боғлиқ. Сайловдан кейин оқибатда бўлган давр мобайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Биргина

га алоҳида эътибор қаратаямиз. Бунинг учун жойларда турли учрашув, давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, партия оғалининг кенг омма орасига кириб боришида ва аъзолари сафини кенгайтиришда ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш ва ўзига хослигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Партия дастурида назарда тутилган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, халқимизнинг миллий қадриятларини асраш, ёшларни "оммавий маданият" ниҳодамида турли маънавий-ахлоқий таъдидлардан ҳимоя қилиш, уларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида ҳар томонлама баркамол этиб воғая етказиш, давлатимиз рамзларини улуғлаш

**Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА, ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот котиби:**

— Сайлов сиёсий партия учун чинакам сино майдони. Ундан қандай ўтиш, биринчи навбатда, ўтган сайловда партиясининг сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада ундади олганига боғлиқ. Сайловдан кейин оқибатда бўлган давр мобайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишга интилади. Биргина

ни, сайлов кўнунчилигининг ўзига хос хусусиятлари, сиёсий партияларнинг хуқуқ ва бурчлари, сиёсий тизимдаги ўрни ва ваколатлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётига дахлдор бошқа муҳим воқеа ва ўзгаришларни тарғиб этиб келаяпти.

**"Milliy tiklanish" мухбирлари Шаҳзод ҒАҒҒОРОВ, Ҳасан САЛОМОВ тайёрлади**

## ○ Анжуман

### “Сайловда муносиб иштирок этамиз”

Навоийда ўтказилган анжуман иштирокчиларининг нияти ва мақсади ана шундай



Ҳаётнинг паст-баланди кўрган, донишманд қариялар ҳам, ўз ўрни ва қарашларига эга ўрта ёшли инсон ҳам, ёшлиқнинг беғубор оналаридан баҳра олаётган ўсмир йигит-қизлар ҳам, гулдек навиҳол жажжигина болакайлар ҳам бирор зотга, ҳимояга эҳтиёж сезса, аввало, онани тилга олади. Демак, она, аёл ҳар бир инсоннинг у неча ёшда ва қай бир муҳимда бўлмасин, энг яқин кишиси, кўнглининг хотиржамлиги, паноҳидир. Шунинг учун улар доимо эъзозда, эҳтиромда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Жисмонан соғлом, маънан етук фарзанд тарбиялаш, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш, ўз иқтидор ва истеъдодларини намойиш қилишда хотин-қизларга кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Шаҳноза Расулова хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик тизимини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнидаги ролини кучайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш, яқинлашиб келаётган сайлов жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш борасида партия “Аёллар қаноти” томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди.

Ташкилланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов жараёни тобора яқинлашмоқда. Сиёсий салоҳият синови бўлган бу жараёнда хотин-қизлар фаоллиги ва ташаббускорлигидан мақсадли фойдаланиш партияимиз учун муҳим масала ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самарадорлигини оширишда партия сафида бўлган хотин-қизларнинг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## ○ Партия дастури — амалда

# Миллий иқтисодиёт

ривожда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ўрни бор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади. Зеро бу партиянинг иқтисодий соҳадаги мақсад-вазифалари асосини ташкил этади. Утган давр мобайнида партия томонидан “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаси” лойиҳаси асосида “Ангрен” махсус индустриал ва Навоий эркин индустриал иқтисодий зоналари ҳамда “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар ЎзМТДП Дастурида белгиланган иқтисодий соҳадаги стратегик мақсад — аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг омилли сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий ҳафсизлигини мустаҳкамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб қиришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги қарори юртимизда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ривожланишида муҳим омил бўлаётди. Қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, кичик корхоналар, оилавий тадбиркор ва хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида қарийб 500 нафар тадбиркорга 9 миллиард сўмга яқин кредит ажратилишига кўмаклашди. Пировардида, жойларда мингдан ортик янги иш ўринлари яратилди.

“Uz Tong Hong Ko” ёпиқ акциядорлик жамиятида “Маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар — миллий иқтисодиётимиз тараққиётини кафолатлайди” мавзусидаги амалий семинарда шундай хусусида сўз борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, корхона ишчи ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар партия дастурида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни соҳага оид қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан бохабар этиш ҳамда партиянинг иқтисодий соҳадаги вазифалари ҳақида тушунчалар бериш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ярмидан кўпроги хусусий сектор улushiга тўғри келмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури самараси ўлароқ мамлакатимиз экспорти ҳажми 2010 йилда 13 миллиард доллардан ошиб кетди. Утган давр ичида экспорт таркиби ҳам тубдан ўзгарди. Унинг таркибида тайёр маҳсулотлар улushi икки баравардан кўпроқ ортди. Жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг умумий экспортдаги улushi 1990 йилда 3,9 фоиз бўлган бўлса, 2010 йили икки баравардан зиёд (9,7 фоиз)га кўпайди. Кимёвий маҳсулотлар улushi 2,3 фоиздан 5,1 фоизга, машина ва ускуналар 1,7 фоиздан 5,5 фоизга, табиий газ ва нефть маҳсулотлари 17,1 фоиздан 24,8 фоизга ўсди. Ноозиқ-овқат товарлар ишлаб чиқариш корхоналар кўпайгани сабабли ушбу маҳсулотлар импорти салмоқли микдорда қамалди.

## ○ Хроника

# Дастурий мақсадлар тарғиботи

худудий партия ташкилотларида ўтказилган тадбирларнинг асосий мавзусига айланди

## ФАРҒОНА

Президентимиз раҳнамолигида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий аънава ва қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига тўғри етказиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” ҳамда Фарғона шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган “Чинакам маънавиятли инсон миллий ўзлигини англаши мумкин” мавзусидаги давра суҳбатига ана шулар хусусида сўз борди.

## САМАРҚАНД

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар Кенгаши томонидан “Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Бўстонлик туман Кенгаши томонидан “Сайлов ва ёшлар” мавзусида тадбир ўтказилди.

## ҚАШҚАДАРЭ

ЎзМТДП Шаҳрисабз туман Кенгаши “Мустақиллик — бу ҳуқуқдир” мавзусида тадбир ўтказди.

## НАВОИЙ

ЎзМТДП Қонимех туман Кенгаши томонидан “Оналик ва болалик — давлат химоясида” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Фаол аёллар — жамиятимиз таянчи” шиори остида хотин-қизлар анжумани ўтказилди.

Гулжаҳон САЛИБАЕВА,  
ЎзМТДП Андижон вилоят  
Кенгаши матбуот котиби  
Ҳасан САЛОМОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Фракция ҳаёти

# Долзарб қонун лойиҳалари

депутатлар томонидан муҳокама этилди



**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди.**

Фракция аъзолари дастлаб депутатлар муҳокамасига иккинчи ўқишда ҳавола этилган "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилди. Мазкур қонун лойиҳаси аввал қабул қилинган қонун ҳужжатларини 2013 йил 4 октябрдаги "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мезъерларига мувофиқлаштириш, техник омилиқдорликни ошириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш органлари фаолияти натижаларининг халқаро майдонда тан олинмиши таъминлаш ва мувофиқликни баҳолаш ишларини бажаришда тақдорларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра, "Метрология тўғрисида"ги ва "Махсулот ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу масала юзасидан сўз олган фракция аъзолари мувофиқликни баҳолаш бўйича қонун ҳужжатлари ва процедураларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш келгусида ягона ҳолатда ва ягона мувофиқлик белгисига эга ҳудудий сертифицилаштириш тизимини яратишга ҳамда мувофиқликни баҳолашнинг халқаро тизимларида иштирок этишга имкон яратишни таъкидладилар. Шунингдек, қонун лойиҳаси партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳ эканлигини эътироф этган ҳолда уни иккинчи ўқишда қўллаб-қувватладилар.

Ийгиликда шунингдек, биринчи ўқишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг таъминлаш ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан аниқ доиралари белгилаштирилди, томонларнинг тенглик ва тортиш принциплари бундан бўён ҳам рўёбга чиқарилишига, суд ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқишига кўмаклашди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган тартиб-қоидалар ЎзМТДП сайловолди Платформасининг миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими йўналишидаги мақсад-муддаолари билан бевосита ҳамроҳандир. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноят-судлов ишларини юритишда миллий-маънавий кадрларга мос келадиган жиҳатларни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифаларидан саналади.

**Мавжуда РАЖАБОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларнинг мантикий давоми дейишимиз мумкин. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролик суди ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишига ва процессуал ҳаракатларнинг аниқ доиралари белгилашига, томонларнинг тенглик ва тортиш принциплари бундан бўён ҳам рўёбга чиқарилишига, суд ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқишига кўмаклашди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган тартиб-қоидалар ЎзМТДП сайловолди Платформасининг миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими йўналишидаги мақсад-муддаолари билан бевосита ҳамроҳандир. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноят-судлов ишларини юритишда миллий-маънавий кадрларга мос келадиган жиҳатларни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифаларидан саналади.

**Арслон ЭШМУРОДОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кучайтирилиб, уларнинг жамиятдаги ўрни ва обрўси мустаҳкамлаб борилмоқда. Бугунги кунда ННТларнинг сони 8 мингдан ошди, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда. Ийгилишимизда кўриб чиқилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг таъминлаш ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам ана шундай саъй-ҳаракатларнинг мантикий давомидир. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилдаги "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси билан "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонун ҳамда Фуқаролик ва Солиқ кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиб-таомилларнинг янада такомиллаштирилиши ва соддалаштирилишига хизмат қилади. Қолаверса, ЎзМТДП Дастурида белгиланган Ўзбекистон халқига хос маънавий-миллий анъаналар ва кадрларнинг ифодаси бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари янада ривожлантирилиши ва уларнинг ҳуқуқий мақоми оширилиши қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифаларимизга ҳамроҳандир.

**Абдурашид ТҲАТБОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси 2015 йил учун мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларига аниқлик киритиш мақсадида тайёрланган. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2015 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий шарт-шароитлар яратади.

Миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси тадбиркорликни ривожлантиришга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, ушбу қонун лойиҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш ҳусусиятига эга ҳужжатлар бериш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга оширишнинг муҳим бир омили сифатида партия Дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилишини таъкидлаб, уни иккинчи ўқишда маъқуллади.

Ийгиликда шунингдек, биринчи ўқишда муҳокама қилинган қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг таъминлаш ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари фракция аъзолари томонидан аниқ доиралари белгилаштирилди, томонларнинг тенглик ва тортиш принциплари бундан бўён ҳам рўёбга чиқарилишига, суд ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқишига кўмаклашди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилган тартиб-қоидалар ЎзМТДП сайловолди Платформасининг миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизими йўналишидаги мақсад-муддаолари билан бевосита ҳамроҳандир. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, жиноят-судлов ишларини юритишда миллий-маънавий кадрларга мос келадиган жиҳатларни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифаларидан саналади.

## Тараддуд

# Янги тахрирдаги сайловолди Платформадаги вазифалар

ЎЗМТДПнинг келгусидаги фаолиятини янада кенгайтиради

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат асослари тобора мустаҳкамланаётгани фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолати кучайиши ва амалда таъминланишига пухта замин яратмоқда. Хусусан, бугунги кунда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ошди, фуқароларнинг уларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Сиёсий партиянинг жамиятдаги обрўси, нуфузи ва мавқеи уларнинг амалга ошираётган ишлари, гоё ва мақсадларининг ҳаётийлиги ҳамда аҳоли манфаатларига қай даражада мослиги билан бевосита боғлиқдир.**

Партия ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларининг муҳим ва долзарблиги, инсонлар ҳаёти ва турмуш тарзига яқин, ҳамроҳлиги билан кенг аҳоли қатлами ўз ордидан эргаштира олиши мумкин. Шундай экан, сиёсий партиянинг асосий ҳаракат дастури — сайловолди Платформаси ҳар томонлама пухта, пишиқ, ҳаётий бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, жорий йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов жараёнида бу омил асосий рол ўйнаб, вакилик органларидан муносиб ўрин эгаллашда мустаҳкам замин бўлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловга қизғин ва пухта тайёргарлик кўрмоқда. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган III съезидида сайловга тайёргарлик масалалари кенг муҳокама этилди. Жумладан, ЎзМТДПнинг сайловолди Платформаси ҳам қўриб чиқилиб, бу бўйича қатор тақлифлар ўртага ташланди, фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Шундан сўнг партиянинг мазкур ҳужжати съезд делегатлари томонидан тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДПнинг бундан кейинги фаолият қўламини, жорий йилги сайловда янги таркибда шаклландиغان депутатлик корпуси иш фаолиятини ана шу муҳим ҳужжат белгилаб беради. Шу маънода партиянинг янги сайловолди Платформаси ҳар томонлама пишиқ, пухта тайёрлиб, унда янги мақсадлар, замон олдимизга қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда устувор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, партия сайловолди Платформасини ишлаб чиқариш гуруҳи аъзоси Жалолиддин Сафоев қуйидагиларни таъкидлади:

— Партиянинг сайловолди Платформаси келгуси беш йил вақт мобайнида партия ташкилотлари ва барча даражада депутатларимиз учун амалга ошириш зарур бўлган вазифалар дастурий амалии ҳисобланади. Бу вазифалар партияга, мафқураси, ижтимоий қатлами ва электроти манфаатларига жавоб бериши, партиянинг куч ва имкониятларига мос келиши, энг муҳими, Ватанамиз ва халқимиз манфаатларига уйғун бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

## Қонунчилик палатасида

# Ёшлар билан учрашув

уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади

**Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Ёш авлод вакиллари таъминлашнинг юксалтириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга иштирокчилик қилиш ҳиссини кучайтириш ва шу орқали жамият ҳаётини муносиб иштирокини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда.**

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг олтинчи фоиздан ортгани ёшлар ташкил этаётгани уларнинг жамият ҳаётида катта куч эканлигиндан далолатдир. Айниқса, жорий йил бўлиб ўтадиган сайлов унда иштирок этувчи ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксаклиги билан чамбарчас боғлиқ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда ана шулар ҳусусида сўз борди.

Тадбирда депутатлар томонидан мамлакатимиз парламенти, унинг фаолияти, қонунчилик ташаббуслари ва қонунларни ишлаб чиқиш жараёнилари, уларнинг аҳамияти ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар берилди.

Шу боис, партия Марказий Кенгашида мазкур ҳужжатни тайёрлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, унга Марказий Кенгаш ва фракция аъзолари, олимпилар, мутахассислар ва экспертлар жалб қилинди. Барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатларимиздан қатор тақлифлар олинди, ишчи гуруҳ йиғилишларида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, кенг муҳокама этилди.

Партияимизнинг янги сайловолди Платформасида 7 та йўналиш бўйича вазифалар ўз аксини топди. Сиёсий муносабатлар тизимини миллий гоёмиз тамойилининг устуворлигини таъминлаш, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллати, дини ва этники, ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, миллий тикланиш гоёмисини ривожлантириш, маҳалла тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашишни сиёсий соҳадаги асосий вазифамиз сифатида белгилади.

Партияимиз учун энг муҳим — маънавий-маърифий соҳада миллий ўзлигини англаш ва миллий тикланиш жараёнидан миллий юксалиш сари бораётган жамиятимиз олдида турган бугунги долзарб вазифалар аниқ эътиборда. Бунда "Юксак маънавият — энгилмас куч" гоёмисини амалга ошириш партияимизнинг асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Партияимиз иқтисодиёт соҳасидаги алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, бозорларимизни ўзинида ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш ва уни хорижий сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш, миллий брендлар яратиш ҳамда энг муҳими, соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш асосий вазифа сифатида белгиланмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида туризм соҳасини тараққий эттириш ҳамда юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш вазифалари белгиланди.

Суд-ҳуқуқ соҳасида партияимиз Президентимиз илгари сурган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маданиятини ошириш, қонунларимизни миллий кадрлар руҳи билан сурғилишига эриштириш

ва Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кеңиримлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олжаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифаларидан, деб билинди.

Биз ижтимоий соҳада ҳам бир қатор янги тақлиф ва ташаббусларни илгари сурмоқдамиз. Бу борада аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш — партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсадидир. Сайловолди Платформаси ҳақида яна шу нарсани айтиш лозимки, биз фан, маданият, таълим, маънавият, санъат, спорт ва айниқса, ахборот соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, ахборот соҳасида жамиятнинг инфор-мацион-мафқуравий ҳимоясини таъминлаш етакчи вазифа сифатида белги-ланмоқда. Шунингдек, партия сув-энергетика масалаларининг ечимига доир давлатимиз сиёсатини тўла маъқуллади. Марказий Осиёдаги трансгеарвий дараёларнинг сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланилиши зарур, деб ҳисоблайди.

Партия давлатимизнинг инсоният тамаддунининг қадимги Шарқ ва Ғарби бирлаштирувчи, сиёсий, иқтисодий ва маданий-инсонпарварлик соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, "Буюк ипак йўли" брендини илгари суриш сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Умуман, Платформада белгиланган, ўз зиммасига олаётган барча йўналишлардаги вазифаларга миллий кадрлар ва аъёнлар ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилгани алоҳида эътироф этиш жоиз.

Дарҳақиқат, бугун сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётининг иштироки кенга-яётган бир пайтда аниқ, ҳаётий ва аҳоли манфаатларига мос мақсад-вазифаларини ўз зиммасига олган партиянинг мавқеи мустаҳкам бўлади. Барча даражадаги вакилик органларидан муносиб ўрин эгаллаб, ўз мақсад-вазифаларини амалга ошириш имкониятлари кенгайди. Шу маънода ЎзМТДПнинг янги сайловолди Платформасида белгиланган янги гоё ва мақсадлар бугунги замон талабига мос, давр тақозо этаётган муҳим масалаларни ўз ичига олганлиги билан аҳамиятлидир. Ғалдаги вазифа эса ана шу устувор, миллий манфаатларимиз билан ҳамроҳанг долзарб мақсад-вазифаларни амалиётга жорий этишдан иборатдир.

**Нозима ЭРМАТОВА, тадбир иштирокчиси:**

— Бу йил 18 ёшга тўлди. Жорий йилги сайловда биринчи марта овоз бераман. Сайлов куни яқинлашган сари унга бўлган қизиқишим ва интилишим ортиб бормоқда. Бугунги учрашувда Қонунчилик палатаси депутатларидан сайлов қонунчилиги ҳамда сайлов жараёнига оид тартиб-қоидалар бора-сида янада кенгроқ ва батафсил маълумотлар олиш имкониятига эга бўлди. Сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларимизни янада оширишда бундай учрашувлар муҳим ўрин тутди. Боиси, дарсликлар, ўқув адабиётлари орқали ўқиганларимизни мутахассислар иштирокида амалиётда қўриш ва амалий ишлар билан танишиш орқали янада мустаҳкамлашимиз мумкин. Бу эса бўлажак сайловда фаоллигимизни янада оширишга хизмат қилади.

Сайлов — 2014

## Партиянинг қузатувчиси

сайлов жараёнида шаффофик, очкилик ва ошкораликни таъминлайди

*Бугунги кунда мамлакатимизда сайловларни умумэтироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга тўла мос равишда ўтказишга имкон берадиган қонунийлик базаси шакллантирилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида" ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида" ги, "Фуқаролар сайлов ҳужжатларининг қафолатлари тўғрисида" ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонуналик саройида оид жараёнларини тартибга солиш ҳақида фуқароларнинг сайлов ҳужжатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги асосан, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунини овоз бериш ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган қузатувчи, шу билан бирга ўз ваколатли вакили билан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ҳўш, қузатувчиларнинг сайлов жараёнида шаффофиклини таъминлаш бораидаги иштироки қай тарзда амалга оширилади? Уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлислари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиши ва уларни сайлаш бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида қатнашадиган, сайлов участкасида ҳозир бўлган ҳолда тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун сайлов қўлларининг жойлаштирилиши ва муҳрланиши, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини қузатиш ҳуқуқлари эга шахс қузатувчи ҳисобланади. Шунингдек, қузатувчилар овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш ваколатларига ҳам эга.

### Конун кучга кирди

## Фуқаролик муомаласида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

*Фуқаролик муомаласида энг долзарб масала фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу борада жорий йилда қабул қилинган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонун унинг ҳуқуқий асосларини мухтақкамлаш имконини бери. Ушбу қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси анча кенг бўлиб, фуқароларнинг гайрижамеия ҳуқуқ-атвори ва ҳуқуқ бузилишини содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг ахлит тизимини қамраб олади.*

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳуқуқ назариясининг асосий назарий ва методологик масалаларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш комплекс институт бўлиб, ҳуқуқнинг барча соҳаларига талаллуқлидир. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, энг аввало, шахсининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Жамеияда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мушкул масаладир. Шу аснода ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг доимий мониторингини амалга ошириш фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашда, қолаверса, уни бартараф этишга доир чора-тадбирларни кўришда ёрқин намоён бўлади.

Манфаатлари ўзининг ёрқин инфодасини топаётгани ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид нормаларни изчил ривожлантириш имконини бери. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фуқаролик ҳуқуқий нормаларини қўллаш билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этиш, мулкнинг дахлсизлиги, шартнома эркинлиги, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчилик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига шароит яратди. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилиши бузилган ҳуқуқлар тикланиши, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва унинг чегараси фуқаролик оид қонун ҳужжатлариде белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаат-

ларини бузмаслиги шарт. Жисмоний ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамеиядаги маънавий тамойиллар ва ахлоқий метёбларни ҳурмат қилишлари, тадбирдорликда эса иш одоби қоидаларига риоя этишлари керак.

Фуқаролик ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказиш, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилиш, шунингдек, ҳуқуқни мақсадга зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Агар фуқаролик ҳуқуқининг ушбу "олтин" қондасига риоя этилса, ҳуқуқбузарликлар юзага келмайди.

Ҳуқуқбузарлик — фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ўз субъектив ҳуқуқларини амалга оширишда руй беради. Шу боис, фуқаролик муомаласида қатнашувчи шахслар нафақат моддий ва процессуал ҳуқуқий тартибга бўйсунмиш, қолаверса, ҳалоллик, оқиллик ва адолат меъзолини асосида ҳаракат қилиши лозим. Ҳуқуқни суистеъмол қилиш бошқа шахсга зарар етказиш ёки унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади. Бундай гайриқонуний ҳаракат ўзгаларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахл қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ ташкилий ҳуқуқий чораларни қўллашни тақозо этади.

Фуқаролик муомаласида ижтимоий барқарорликни таъминлаш субъектив ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқ-атвори жамеияда ўрнатил-

ган тартиб-қоидаларга мос бўлишини талаб этади. Шу боис ҳуқуқ эгасининг фуқаролик муомаласидаги фаол иштироки давлат ва жамеия тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Бузилган ҳуқуқни тиклаш бир томондан, фуқаролик ҳуқуқий субъектларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бўйича қатъий жавобгарлики назарда тутиш, иккинчи томондан, бузилган ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилишни амалга олишга қаратилган ҳуқуқни тиклаш ҳимоянинг уни-версал ва кенг тарқалган шаклидир. У ягона ёки мушакил талаб сифатида суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш чегараси ҳуқуқ бузилишининг олдини олади. Бу чегара ҳуқуқни амалга ошириш механизмига ўз таъсирини кўрсатиб, субъектив ҳуқуқ эгасининг хусусий манфаатлари мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни қеллаш фақат қонунда белгиланиши, амалга ошириш чегараси эса қонун, шартнома ёки бошқа битимларда назарда тутилмиши мумкин.

Қонун ижодкорлигида нафақат тегишли ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, балки унинг чегараси, яъни ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид нормаларни белгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича унинг олдини олиш ва чегарасини назарда тутиш халтага баҳр бериб жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

мухассиси Илҳом Ражабов. — Мазкур руйҳат бўйича вилотимиздаги 333 та сайлов участкасининг ҳар бирига икки нафардан жами 1332 партия қузатувчиси ва ваколатли вакилларининг заҳира банки яратилиб, улар учун ўқув-семинарлар ташкил этилди ва бу каби сай-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Дарҳақиқат, сайлов тўғрисидаги қонунчиликда сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда сиёсий партиялардан қузатувчиларнинг иштироки этиш ҳуқуқий қафолатлангани депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг манфаатларини таъминлайди, сайловнинг ҳолис, оқил ва ошқора ўтишига хизмат қилади.

Шу ўринда халқро таърибда қузатувчи институтидан фойдаланилишига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, ривожланган демократик давлатларнинг сайлов тизимида қузатувчиларга сайлов жараёнида очкилик ва ошқораликни таъминлайдиган энг муҳим субъектлардан бири сифатида қаралади. Чунки ҳар бир мамлакат сайлов тизимида сайловларни қузатиш имкониятининг мавжудлигининг демократиклигини билдирувчи меъзолардан биридир. Қолаверса, қузатув институти сайловнинг оқил ва ошқора, тўри ва қонуний ўтишига қўмақлашади, яъни ўзига хос жамоатчилик назоратини амалга оширади. Айниқса, маҳаллий қузатувчилар билан бирга, ҳорижий қузатувчиларнинг иштироки этиши сайлов жараёнининг ҳаққонийлигини кучайтириши билан бирга, умумий ва тенг принциплар асосида сайловнинг ошқора, эркин, адолатли ўтказилиши, демократик тамойилларга янада муқаммалроқ амал қилинишига қўмақ беради. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, сайловларнинг ҳорижий қузатувчилар томонидан қузатилиш амалиёти илк бор 1857 йилдан бошланган. Ушанда Руминия давлатини ташкил этиш мақсадида ўтказилган умумхалқ сўровида Франция, Буюк Британия, Австрия-Венгрия, Россия, Пруссиядан вакиллар қатнашган. Бу таъриб Иккинчи жаҳон урушидан кейин росман шаклланди. 1992 йилдан БМТ таркибиде сайловларни қузатувчилар билан таъминлайдиган махсус тузилма — Электорал ёрдам бўлими ташкил этилди.

Мамлакатимизда халқро қузатувчилар фаолияти халқро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Халқро қузатувчилар қонунда белгиланган тартибда мамлакатга кириш учун рухсат оладилар ва тегишли тақлифнома мавжуд бўлган тақрида, Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинади. Марказий сайлов комиссияси халқро қузатувчи аккредитация қилинган тўғрисида гувоҳнома тақдим этади. Бундай гувоҳнома халқро қузатувчига сайловга тайёр-

гарлик кўриши ва уни ўтказиш даврида қузатув олиб бориш ҳуқуқини беради.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда юксак савия, демократик андозалар асосида ўтиши қутилаётган сайлов жараёнини қузатиш бўйича халқро ташкилотларга тегишли тақлифномалар юбордик, - дейди Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби Низомидин Нурматов. — Сайлов органлари умумжаҳон Ассоциацияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, ЕХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти ана шулар жумласидандир. Шу билан бирга 40 дан зиёд давлатлардан эксперт, ҳуқуқшунос, мухтақассилар бўлажак сайловда иштирок этиш мақсадида мурожаат қилганини таъкидлаш лозим.

Кўриниб турибдики, дунё аҳли катта қизиқиш билдираётган жорий йилги сайловни муносиб тарзда ўтказиш барчамиздан жумладан, қузатувчилардан фаоллик, қонун ҳужжатларидан хабардорликни талаб этади. Уйлашимизки, сайловга тайёргарлик даврида ва бевосита сайлов жараёнида фуқаролар ўзининг фаолиги, сиёсий-ҳуқуқий онгивамаданиятини ёрқин намоён қилади. Бугун сайловчиларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий қиёфаси, онгу тафаккури ҳамда дунёқараши ўзгарган. Фуқаролар оддий сайловдан сайлов жараёни барча босқичларининг фаол иштирокчисига айланади. Бўлажак сайлов жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида турибди ва у мамлакатимизнинг халқро обрў-эътиборини янада юксалтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу йилги сайлов биз учун яна бир синов ва бу синов бизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигимизни, юртимизда демократик давлат барпо этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида салмоқли қадамлар қўётганимизни яна бир қарра намоён этади.

Мухтасар айтганда, қузатувчилар партиясининг сайловдаги муваффақиятли иштирокчи таъминлашга хизмат қилади. Уларнинг қонун ҳужжатларидан хабардор тарзда сайлов маданияти, сайлов тамойилларига амал қилиши партиясининг кўпроқ овозга эга бўлишига ҳам ҳисса қўшади. Энг асосийси, мазкур жараённинг қузатувчилар томонидан назорат қилиб борилиши сайловнинг очкилик, ошқоралик ва адолатлилик принциплари асосида ўтишида муҳим аҳамият касб этади.

Умидда **УЗОҚОВА**, "Миллий тикланиш" муҳбири

### Сарҳисоб

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссиянинг 2010-2014 йиллардаги фаолияти атрофида муҳокама этилди.*

## Парламент комиссияси фаолияти муҳокама этилди

Йиғилишда сўзга чиққан Парламент комиссияси раиси, УЗМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов мамлакатимизда "кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили изчиллик билан ҳаётга таъбиқ этилаётгани, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини институтларининг ўрни ва ролини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ва бунинг натижасида аҳоли кенг қатламларининг манфаатларини инфо-датувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) тармоқлари ривожланишига шароит ва имконият яратилганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонун ҳужжатлари бу борадаги сай-ҳаракатларда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти самарали фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари суртилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ўшбу жамоат тузилмаларининг фаолият қўлламини кенгайтириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар асосида ўтган беш йил давомида "Ижтимоий шериклик тўғрисида" ги, "Экологик назорат тўғрисида" ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида" ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", янги тахрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий асослар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинларини қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида, янги тахрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги қонунлар ва қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий асослар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинларини қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида, янги тахрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" ги қонунлар қабул қилинди.

Анжуманда қарор қабул қилинди.

Салғилар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

биялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда жамоат иззаси ва жамоат оғохлантириши каби чораларни кенг қўллаш бўйича ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, тақомиллаштириш зарур. Бу борада кенг илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш миллий ҳуқуқий тизим ривожланишида янгича мазмун касб этади, десак асло янглишмаймиз.

Қайд этилган муҳим назарий методологик масалалар билан бир қаторда юриспруденция йўналиши ва бошқа мухтақассиллар бўйича "Ҳуқуқий профилактика" ҳақидаги фанни ўқитишнинг жорий этиши айтиш мумкин. Албатта, ҳар бир таълим соҳаси бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиш, бу ишга тизимли ёндашув "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида" ги қонуннинг мохиятини ўқув-услубий жиҳатдан ўрганиш самарадорлигини янада оширади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар, уларнинг олдини олиш борасида таълим муассасалари ўқувчи-талабалари орасида кенг тушунар бериш фарзандларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, миллий ҳуқуқий тизимда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оид қонунчилик тизимининг тақомиллаштирилиши бутун дунё эътироф этаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" ҳоли бўлган қонун устуворлигини рўёбга чиқаришда муҳим қadam бўлди.

Шухрат **ҲАМИДЗАРОВА**, юридик фанлари доктори, профессор



Бизнинг шарҳ

## Тил ва тараққиёт

камров доираси кичик бўлган тиллар ҳар икки ҳафтада биттага камаймоқда



**Тил ўрганиш ҳамиша долзарб бўлган. Хорижий тилларни билиш жаҳон маданияти ютуқлари ва ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини беради, халқаро мулоқотга кенг йўл очади.**

Тил — бизга инъом этилган сўзлаш имконияти, энг муҳим алоқа воситаси бўлиб, унинг ёрдамида суҳбатлашиш, фикрларни ифодалаб, тушунтириш мумкин, БМТнинг расмий тиллари, яъни инглиз, испан, рус, араб, француз, хитой тиллари дунёда энг кенг тарқалган тиллардир. Олимларнинг фикрича, бу борда инглиз тили хали узоқ вақт ётақчиликни сақлаб қолади. Мазкур тилда 600 миллиондан зиёд киши сўзлашади. Тўғри, хитой тилида сўзлашувчилар сони ундан ҳам кўп, ammo бу рақамлар асосан хитойликларнинг ўзига тегишли.

Кузатувчиларнинг хулосасига кўра, бугунги кунда француз ва рус тилларига нисбатан талаб ошмоқда. Шунингдек, ёзув ва ўқиш нисбатан мушкул бўлса-да, кўпчилик ёшлар хитой ва япон тилларини ўрганмоқда.

Тил бамисоли тирик жондек ҳаёт кечиради. Унда ҳам туғилиш, камол топиш, ҳам емирилиш бор. Айрим кузатувчилар сайёрамиз бўйлаб мавжуд тилларнинг 40 фоизи йўқолиб кетиш арафасида эканини таъкидлашган. Ҳисоб-китобларга қараганда, камров доираси кичик тиллар ўрта ҳисобда ҳар икки ҳафтада биттадан камайиб кетмоқда, ҳар йили эса бу кўрсаткич 40-50 тани ташкил этаётди. Бу борда Африка қитъасининг Гвинея давлатини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Маълумотларга кўра, мазкур мамлакатда маҳаллий таби тилида бор-йўғи 340 та сўз бор. Бу дунёдаги энг камбағал тил саналиб, сўзлашувчилар сони ҳам шунга яраша.

Баъзи тиллар борки, уларни ўша тилда суҳбатлашаётганлар ўзлари билан олиб кетиши мумкин. Дунёдаги энг кам одам гаплашадиган тил бу - бикия бўлиб, фақатгина Африка қитъасининг Камерун ва Нигерия давлатлари ўртасидаги қишлоқда яшайдиган 90 ёшли кампирга тегишли. Кандас тилида эса Янги Ирландияда кўним топган 500 киши ўзaro гаплашади. Латвияда эса ливон тилини тушунадиган 200 га яқин киши яшайди, холос.

Олимлар тилларнинг йўқолиш хавфи кучли бўлган ҳудудлар харитасини тузишган. Унга кўра, Австралиянинг шимолий ҳудуди, Боливия, Бразилия, Колумбия, Перу ва Эквадорнинг хиндулар истиқомат қилувчи ҳудудлари, АКШдаги Орегон ва Вашингтон штатлари ҳамда Канаданинг Британия Колумбияси провинцияси, Россиянинг марказий Сибир ҳудудлари шулар жумласидан. Уларда кичик халқлар, қабиалар тиллари турли сабаблар билан исзиз йўқолиб кетмоқда.

Таникли шоир айтганидек, инсон умри давомида неча қайта ўзгаради. Болаликда бир, йигитликда ўзга, улўғ ёшга етганда яна бошқа киёфа касб этади. Дунё кезиб баъзан ўз юртига бошқа

одам бўлиб қайтади. Тилнинг ҳам ўз қисмати, таржимаи холи бўларкан. Юқоридаги каби камсонли аҳолининг ноёб тилларда суҳбатлашиши охириқабат унинг йўқолишига сабаб бўлади. Кузатувчиларнинг фикрича, бу бир хатдан тилга нисбатан эътиборсизлик ёки худуднинг тараққиёт ва ривожланишига ҳам боғлиқ.

Аслида ҳеч бир миллат ўз тилининг ном-нишонсиз йўқолиб кетиши ёки мавқенининг пасайишини истамайди. Ammo бу борда муҳим омиллар, ташқи таъсирлар борки, уни инкор қилиб бўлмайди. Хусусан, табиий жараён — миграция тиллар сонининг камайишига таъсир қилади. Бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтган одамлар ўз тилларини янги худудга олиб ўтади ёки ўзлари ўша худуд тилига мослашади. Катта тилларнинг кичик тилларни ўз қомига тортаётгани ҳам бор гап.

Айни пайтда испан ва португал тиллари таъсирида таназзулга учраб бораётганлар қаторида Анд тоғларининг шарқий қисмида қўлланувчи Каллава тиллар гуруҳини келтириш мумкин. Бироқ бу тиллар гуруҳида доривор ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни бой бериб қўймаслик мақсадида махфий қадимий

● **Олимларнинг фикрича, ўзбек (қадимги туркий) тилини ўрганиш Махмуд Қошғарийдан бошланади. Бу алома биринчи туркий тилшуноси, адабиётшуноси сифатида ном чиқарган олим бўлиб, ўзининг “Девону луғотит-турк” асарида туркий тилда мавжуд бўлган сўзларни маълум туркумларга (от, феъл, ёрдамчи сўзларга) ажратган. Буюк ватандошимиз Абулқосим Махмуд аз-Замашарий ҳам ўзининг “Муқаддимат ул-адаб” асарида отлар, феъллар, боғловчилар ҳақида маълумот берган. Ўзбек адабий тили равнақини буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг беназир ижоди, илмий-маърифий фаолиятдан айри тасаввур этиб бўлмайди.**

● **Дунёда қўлланш доираси кенг, бошқа тил эгаси ҳам фойдаланадиган тиллар халқаро ёки жаҳон тили дейилади.**

● **Тиллар оламида фақат кенг тарқалганлари яшаб қолаёттир. Олимлар замонамизнинг энг кучли тиллари қаторига инглиз, рус ва хитой тилларини киритишмоқда. Бунда дунё аҳолисининг 80 фоизи мулоқот қилади.**

### Рангин дунё

**Аргентина Республикаси — Жанубий Америка қитъасининг жанубий-шарқи, Оловли ер оролининг шарқий қисми ҳамда бир қанча оролар йиғиндисидан таркиб топган. Майдони 2 766 890 квадрат километр. Аҳолиси 40 миллиондан зиёд. Пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри. Мамлакатни дунёга футбол ва танго рақси танитган. Қолаверса, сўлим табияти, наботот ва ҳайвонот оламининг бойлиги, ҳиндулар маданияти гуллаб-яшнаган замин сифатида ҳам эътироф этилади.**

Санта Крус минтақасида жойлашган Куэва де лас Манос гори неча асрлардан буён аргентиналик хиндулар маданиятини кўз қорачиқидек асраб келади. Кўл изи кўринишидаги қоятош расмлари билан дунёга танилган фор узоқ тарихга эга. Ундаги безак намуналари бизга маълум қоятош расмларидан бироз фарқ қилади. Мазкур расмлар маҳаллий овчилар қабиласи томонидан ишланган. Қоятошларда одамлар, ҳайвонот ва наботот турлари, ов жараёни геометрик шакл ва безаклар воситасида акс эттирилган. 1999 йили ноёб деб топилган фор ЮНЕСКО химоясига олинган объектлар рўйхатидан жой олди.


Куэва де лас Манос гори ҳақида инсоният ўтган асрнинг 60-йилларидагина воқиф бўлди. Археолог олим Карлос Градин тадқиқотидан сўнг Ер юзидagi ноёб форлар яна биттага кўпайди. Форнинг ноёблиги шундаки, унинг дево-

ридаги расмларни туширишда табиий бўёқлардан фойдаланилган. Кўл изи ва бошқа расмлар найчадан бўёқ пурқаш йўли билан (худди трафарет каби) бажарилган. Жой камлиги боис фор расмлари эски расм устига янгисини чизиб кетаверганлар. Ҳозирги кунда қоятошларда 800 дан ортиқ кўл излари туширилган расмлар мавжуд.

Айтиш жоиз, кўл изларининг барчаси ихчамлиги билан ажралиб туради. Улар кимга тегишли экани ҳозирча номаълум. Олимларнинг таҳминига кўра, ушбу излар овчиларнинг аёллари ёки болалариники бўлиши ҳам мумкин. Нега деганда у пайтлар табиий бўёқни аёллар тайёрлаган. Шунинг учун деворга расм туширишда уларнинг ҳиссаси бор, деган таҳмин ҳам йўқ эмас. Болалар эса балогат ёшига етиши муносабати билан фор деворларига чап кўлининг изини қолдиришган. Бундай излар фор

## Фор санъати

ёхуд қоятошларга муҳрланган қадим маданият намуналари



деворларида ниҳоятда кўп. Изларнинг 740 дан ортиги айнан чақайларга тегишли. Уларнинг ўлчами деярли бир хил, барчаси камалак рангларда акс эттирилган.

Фордаги расмлар орасида ов жараёни акс этган саҳна кўринишлари ҳам мавжуд. Улар қадимги одамлар ҳаёти ҳақида кимматли маълумот бериши билан ажралиб туради. Масалан,

шундай расмларнинг бирида нанду ва гуанако туяқушларини овлаш пайти акс эттирилган. Расмлардан ташқари, форда иероглиф кўринишидаги тошибитлар ҳам учрайди. Шунингдек, фор санъати ижодкорлари деворларда қадимги овчиларнинг тош ва металдан ясалган қуроллари, ҳайвонлар учун қўйилган тузоқ ва қолқонларни ўта моҳирлик билан тасвирлаган.

Қоятош расмларини ўрганган мутахассисларнинг фикрича, фор узоқ вақтгача овчи хиндулар манзилгоҳи бўлиб келган. Форда намликнинг камлиги ҳамда тоғ жинсларининг бақуватлиги боис тош расмлар орадан неча асрлар ўтса-да, асл киёфасини йўқотмаган. Айтишларича, фор расмлари эрамининг IX асрига қадар ижод қилишдан тўхтамаганлар. Бугунги кунда Куэва де

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Мақтабада портлаш

**Нигерия шимоли-шарқидagi Потискум шаҳрида жойлашган коллежда 47 киши теракт қурбони бўлган.**

Яна қарийб 50 киши жараҳатланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари маълумотларига кўра, портлаш эрталабки умумий йиғилиш пайтида содир этилган. Террорчи мактаб ўқувчилари кийимида бингоа кириб, портлаш ускунасини харақатга келтирган. Воқеада “Боко харам” террорчи гуруҳи гумон қилинмоқда.



## Айбдорлар жазоланди

**Жанубий Корея суди “Севол” кема капитанини 36 йилга озодликдан маҳрум этди.**

Кема бош муҳандиси эса 30 йиллик қамоқ жазосига маҳкум қилинган. У жараҳатланган икки нафар ҳамкасбига ёрдам бермаган, оқибатда улар ҳаётдан қўз юмган. Экипажнинг қолган 13 нафар аъзоси ҳам ҳалокат билан боғлиқ воқеаларда айбдор деб топилган. Уларга нисбатан 5 йилдан 20 йилгача қамоқ жазоси тайинланди. Эслатиб ўтамоқчи, “Севол” шу йилнинг 16 апрель кунини халокатга учраган. Ортиқча йўловчи олган кема бортида 476 киши саёҳатга чиққан. Қурбонлар сони эса 300 нафардан зиёдни ташкил қилади. Уларнинг аксарияти мактаб ўқувчилари бўлган. Кемадан 172 киши қутқариб олинган, холос. Жанубий Корея ҳукумати шу пайтгача бедарак йўқолган йўловчилар бўйича қидирувни тўхтамаган эди. Аммо яқинда уларнинг қариндошларига қидирув-қутқарув ишлари тўхтатилгани хабар қилинди. Кема ҳалокатининг аниқ сабаблари ҳанузгача номаълум.



## Обидага марҳамат

**Мисрнинг машҳур тарихий ёдгорликларидан бири Сфинкс реставрациядан сўнг яна сайёҳлар эътиборига ҳавола этилди.**

Бир неча ой давом этган пардозлаш ишларидан сўнг ёдгорлик янгиланган киёфада намоён бўлди. Маълумотларга кўра, энди мазкур обидани яқиндан ҳам кўриш мумкин. Сфинкснинг реставрация ишлари одатда ҳар 8-10 йилда ўтказилади. Унинг илк таъмири эраминдан аввалги XIV асрга тўғри келади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

### Эълон

#### “AUTO TRADE COOPERATION”

**МЧЖнинг аукцион савдоларига марҳамат!!!**

2014 йил 15 декабрь кунини соат 11:30 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига Тошкент молия институтини ҳисобидаги қўйидаги автотранспорт воситалари чиқарилган: 1998 й и/ч ГАЗ-3110 рус. д/р 01/395GAA бошланғич баҳоси — 5 100 000 сўм; 1996 й и/ч ГАЗ-31029 рус. д/р 01/397GAA бошланғич баҳоси - 3 300 000 сўм; 1995 й и/ч ГАЗ-3102 рус. д/р 01/863CAA бошланғич баҳоси — 5 300 000 сўм; 2001 й и/ч ГАЗ-3102 рус. д/р 01/810PBA бошланғич баҳоси — 5 700 000 сўм; 2000 й и/ч Дамас рус. д/р 10AK026 бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм ва 1998 й и/ч Киа Кредос рус. д/р 01/396GAA бошланғич баҳоси — 2 100 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоиз миқдорида закат пулини тўлашлари керак. Аукцион қолиби томонидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархнинг 5% миқдорида комиссия йиғим тўланади.

2014 йил 15 декабрь кунини соат 12:30 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига АТИБ “Ипотека-банк” Ҳамза филиали ҳисобидаги 2004 й и/ч Нексия СОНС рус. д/р 01/849GDA бошланғич баҳоси — 16 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси чиқарилган. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиз миқдорида закат пулини тўлашлари керак. Аукцион қолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига сотув нархнинг 1% миқдорида комиссия йиғим тўланади.

Савдолар “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур мулклар сотилиши қолган тақдирда тақрибий аукцион савдоларини 2014 йил 22, 29 декабрь ва ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари тегишли соатларида ўтказилади. Аукцион қолиблари савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Закалат пули тўловлари “AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг ХОАТБ “InfirBANK” банкдаги МФО: 01041, ИИН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний (юридик) шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлари ва закат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашганда — ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (8595) 177-96-74.

Гувоҳнома № 005148

лас Манос гориға махсус йўлбошловчи ҳамроҳлигида бориш мумкин. Йўл анча олис бўлиб, форга дара бўйлаб икки соат юрилади. Бироқ, форга етиб боргунча ҳеч ким зерикиб қолмаганини таъкидлади. Чунки дара ва Минтурас водийсининг сўлим манзараси бунга йўл қўймади.

Аргентинадаги Куэва де лас Манос ҳақиқий маънода дунёдаги ноёб форлар сирасига қиради. Унинг деворларидаги расмлар ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Зафар МУҲАММАД

